ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАР ШАРОИТЛАРИДА F_1 ДУРАГАЙЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОТА-ОНА ШАКЛЛАРИДА ТЕЗПИШАРЛИК БЕЛГИСИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ ВА ИРСИЙЛАНИШИ

Жабборова Умида
ЎзМУ магистранти
Қўчқоров Орип Эркинович
ПСУАЕАИТИ, қ-х.ф.н., к.и.х.
Мирахмедов Мирвахоб Садикович
ЎзМУ Биология факультети доценти, б.ф.н.

Республикамиз жаҳонда пахта етиштирувчи мамалакатлар ичида энг шимолий худудда жойлашган ва умумий пахта экиладиган ер майдонинг 65-70% фоизи турли даражада шўрланган. Шўрланиш эса пахта тезпишарлиги ва ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатиб, ҳосилни йиғиштириб олишни ноябрнинг охири, декабрнинг ўрталаригача чўзилишига олиб келади. Бу эса яхши етилмаган тола ҳисобига ҳосилнинг ва тола сифатининг паст бўлиши билан бирга иқтисодиётимизга сезиларли даражада зарар етказишга олиб келади.

Шўрланган ерларда ғўзанинг кеч униб чиқиши ва кўсакларнинг кеч очилиши, ҳосилдорликни паст бўлиши ҳақида кўпгина олимлар асосланган илмий хулосалар берганлар. Шўрланган ерларда ғўзанинг анатомик ва морфологик тузилишларининг ўзгаришини биринчи марта А.Ф. Баталин ўрганган.

Тажрибаларимизда F_1 дурагайлари ва уларнинг ота она шаклларининг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари шўрланган тупроқларда таққослаб ўрганилди.

Шўрланган тупроқ шароитида ота-она шаклларининг бу белги бўйича кўрсаткичлари бир-бирига яқин бўлиб, улар 118,5-121,4 кун оралиғида пишиб етилди. Дурагайлашга жалб қилинган Acala sj-1 (06) ва *G. hirsutum* L. ssp. *yucatanense* x *G.hirsutum* L. ssp. *Punctatum* (ИК-3) тизиаларимиз белги бўйича айтарли бир-биридан фарқи сезилмаган бўлсада, урганилган ота-она шакллари Paymaster-266 x *G. hirsutum* L. ssp.*punctatum* (СГ-1) ва Schortcat (045) тизмаларидан бир кунга кечпишар бўлган бўлса, қолган ота-она тизмаларидан икки кунгача эртапишарликни намоён қилганлигини 1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. Ўрганилган ота-она тизмалари белги бўйича ўзгарувчанлик коэффициенти 1,6-2,8 % оралиғида бўлди. Acala sj-1 (06) тизмаси 1,8 %, *G. hirsutum* L. ssp. *yucatanense* x *G.hirsutum* L. ssp. *Punctatum* (ИК-3) тизмаси 1,6 % ўзгарувчанлик коэффициентини намоён қилди. Энг юқори ўзгарувчанлик

коэффициенти Schortcat (045) тизмасида 2,0 % ни, 108-Ф x C-9070 (ИК-2) тизмасида 2,5 % ва Tamcot x Delcot-277x Sj-1 (СГ-7) тизмасида 2,8 % кузатилди.

1-жадвал

Шўрланган тупроқ шароитида ота-она тизмалари ва F_1 дурагайларида эртапишарлик белгисининг ирсийланиши

№	Ота-онавадурагайлар	$X \pm S_X$	S	V	hp
1.	СГ-1	118,5±0,5	1,9	1,6	
2.	СГ-6	119,9±0,5	1,9	1,6	
3.	СГ-7	121,2±1,3	3,4	2,8	
4.	06	119,1±0,5	2,1	1,8	
5.	045	118,6±0,7	2,4	2,0	
6.	ИК-2	121,4±0,9	3,1	2,5	
7.	ИК-3	119,9±0,5	1,9	1,6	
8.	F_1 (ИК-3х06)	115,6±1,1	3,5	3,0	-9,7
9.	F_1 (06хИК-3)	114,3±1,1	4,2	3,7	-13,0
E		0,8			
P		0,6			
$ЭКФ_{05}$		2,2			

Тезпишарлик белгиси бўйича тажриба ўтказган Б.П.Страумал, З.Ю.Мақсудовларнинг фикрларича, ота-она шакллари белгилар бўйича бир-бирига яқин кўрсаткичларга эга бўлса, F_1 дурагайларида гетерозис кузатилади, ота-она белгилари бир-биридан кескин фарқ қилганда белгилар оралиқ ҳолда ирсийланади. Шўрланган тупроқ шароитидаги F_1 дурагай комбинациясида тезпишарлик белгиси бўйича олинган натижалар юқоридаги муаллифларнинг фикрини тасдиқлайди (1-жадвал).

Тезпишарлик белгиси бўйича биринчи авлод дурагайларида салбий гетерозис ҳолати кузатилиб, доминантлик коэффициенти мос равишда -9,7, -13,0 бўлди. Белги бўйича ўртача кўрсаткич F_1 дурагай комбинацияларида 115,6 ва 114,3 кунди ташкил қилди. *G. hirsutum* L. ssp. *yucatanense* x *G.hirsutum* L. ssp. *Punctatum* (ИК-3) тизмаси она сифатида дурагайлашда иштирок этганда ота сифатида қатнашишига нисбатан яхшироқ натижаларни кўрсатиши биз олиб борган тажрибамизда кузатилди. Acala sj-1 (06) тизмаси реципрок дурагайлашда она сифатида иштирок этганда яхши натижага эришиш мумкинлигини кузатилди.

Шўрланган тупроқларда тажриба аниқлиги E=0,80, тажриба хатолиги P=0,6 ва $ЭКФ_{05}$=2,2 га тенг бўлди. Тезпишарлик белгисинияхшилаш учун реципрок дурагайлаш ва ёввойи ва рудерал шаклларни чатиштириш орқали олинган тизмалар билан АҚШ селекциясига мансуб навларни дурагайлаш селекционер олимлар учун ноёб ва қимматли ашёлар олиш имкониятини яратиш мумкинлиги

исботланди. Ўрганилган дурагай комбинациямизда гетерозис ҳолати кузатилиши белги бўйича яхши натижаларни эришиш имкониятини очиб берди. Бунданда тезпишарликка эришиш учун келажакда дурагай комбинация устида танловларни олиб бориш тезпишар намуналарни ажратиш мумкинлигидан далолатдир. Ёввойи ва рудерал шаклларни селекция жараёнига жалб қилиганда рекомбинант ўсимликларни ажралиб чиқишида юқори бўлиши биз олиб борган тажрибалармизда ўз аксини топди. Белги бўйича АҚШ селекциясига мансуб навларни чатиштиришда она сифатида қўллаш гетерозис ҳолатини юзага келиши учун юқори самара бериши олиб борган тажрибаларимизда ўз исботини топди.